

QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№29 (6.554). Sotuvda erkin narhda

БУГУНГИ СОНДА




ЯНГИЛАНИШ ШАРОФАТИ (4-саҳифада)



"АРЗАНДАЛАР" (1-2-саҳифаларда)



БАРГ ИЗЛАБ САРСОН БЎЛМАНГ (1-3-саҳифаларда)



Бугун Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг тақлифига биноан Словакия Республикаси Президентини Рудолф Шустер расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

2-4 март кунлари «Ўзбекистон» спорт мажмуида эркин ва юнон-рум кураши бўйича Гран-при туркумига кирувчи «Мустақиллик кубоги» аънавий халқаро турнири бўлиб ўтди.

Пойтахтимиздаги халқаро бизнес-марказда «TS-Techology» компанияси томонидан «Fido - business», «UzPak», ва «UCD Micros» компаниялари кўмагида ташкил этилган семинар бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати хомийлигидаги Болалар ташкилоти раёсатининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Тошкентда Амир Темур халқаро хайрия жамғармасининг йиғилиши бўлди.

Тошкентда мамлакатимиз алергологларининг «Бронхиал астма ва аллергия - XXI асрнинг глобал стратегияси» мавзусидаги тўртинчи конференцияси бўлиб ўтди.

«Ўзстандарт» агентлигида Марказий Осиёда метрология, аккредитация, стандартиштириш ва сифат борасида минтақавий ҳамкорлик бағишланган икки кунлик анжуман бўлиб ўтди.

Самарқанд шаҳрида камондан отиш бўйича Ўзбекистон киши чемпионати якунланди.

Ромитон туманида ўтказилган меҳнат ғармаканида олтинчи ўринни эълан қилди. Ўзига хос сўзачилик аъёнчаларини қайта тиклаш мақсадида шахарда «Нурота каштачилик мактаби» иш бошлади.

Наманганда болалар спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш вилоят дастури доирасида «Отан, онам ва мен - соғлом оила» деб аталган биринчи мактабларро спорт уйинлари бўлиб ўтди.

Баҳорнинг илк кунларида чарақлаган офтоб тафтидан она замин бағрида уйғонган ҳовур кечагина ёққан ёмғир аралаш қорни ҳам зумда эритиб юборди. Демак, она табиатда яна илиқлик, уйғониш, янгилиниш, яшарлиш жараёни бошланди.

Табиат ва жамиятдаги уйғунлиқни қарангиз, худди ана шу кунларда Оксаройда давлатимиз раҳбари бошқарган қишлоқ хўжалиги тармоғида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва жадаллаштириш мақсадида асосий йўналишларига доир ҳужжат лойиҳасига бағишланган йиғилиш ҳам аграр соҳага янги нафас, янги рух, янги шижоат олиб кирди, десак муболага бўлмас.

Тўғри, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асосий йўналишлари ҳамда 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида ҳам қишлоқда иқтисодий ва аграр муносабатларнинг мутлақо янги шакллари жорий қилиш борасида талайгина ишлар амалга оширилгани, мамырий-бўйруқ-бозликка асосланган қўллаб-қўллагич бўлиб ўтди. Аграр соҳада талайгина ишлар амалга оширилгани, мамырий-бўйруқ-бозликка асосланган қўллаб-қўллагич бўлиб ўтди. Фермер ва деҳқон хўжалиқлари амалда шакллантириб бўлингани, деҳқон билан ширкат хўжалиғи ўртасида пудрат - шартнома муносабатлари жорий этилаётганлиги, фермер хўжалиқларини жадал ривожлантириш, уларга янги рағбатлантирувчи омилларни яратиб бериш, деҳқонларнинг тасавурида мулкка эгаллик ҳиссини мустақамлаш мақсадида амалий ишлар қилинаётганлиги, умуман, қишлоқда янгилиниш ва ўзгаришлар жараёни амалга ошириш борасида танланган ислохотлар стратегияси бугунги кунда ўз натижаларини бераётганлиги алоҳида таъкидланган эди.

Шу билан бир қаторда аграр соҳада амалга оширилган ишлар хали қаноатланарли даражада эмаслиги ҳам қайд этилиб, бу тармоқни ривожлантириш борасида тегишли йўл-йўриқлар, тавсиялар ва топшириқлар берилган. Ҳўш, ана шундай муҳим вазифаларни амалга ошириш учун нима қилмоқ керак?

Кун кеча бўлиб ўтган йиғилишда ҳам давлатимиз раҳбари бу соҳани янада жадал ривожлантириш хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларини мутасаддиларга жонли мисоллар, таққос ва таҳлиллар билан баён этдилар.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, хали ҳам кўпчиликнинг соҳа ривожига ҳалал бераётган, яъни ўз умрини яшаб бўлмаган мамырий-бўйруқчилик тизимидан, одамлар онгидан чуқур илдиз отган ўтмиш қопилларидан ҳалос бўлиши жараёни жуда қўйин кечаётди. Эски жамоа хўжалиқлари ўрнида янги ширкатлар, деҳқон ва

ри борлиғи ҳақида хатто тасаввурга ҳам эга эмас. Уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини оширишга масъул бўлган вилоят ва туман раҳбар-мутахассислари асосан статистик маълумотлар йиғиш билангина чекланиб қолаётган. Яъни, бу борада ҳам эски услубга асосланган консерватив ҳолатда иш олиб борилаётди. Бу эса бир ерда депресси-

лаб этилади. Йиғилишда соҳа ривожига кўмак берадиган омиллардан бири ҳисобланган шартнома шартларининг ижроси, бу ҳужжатни қонун доирасида тузиш ва икки томонлама ишлатишга алоҳида эътибор қаратилди. Жойларда бу борада ҳам ноаниқликлар, хўжакурсинга иш юритиш, расмиятчилик ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Акса-

кўндаланг қўяпти. Жумладан, республика Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирлигининг асосий вазифаси соҳани оқилона мувофиқлаштириш ва бутун эътиборни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиши керак. Давлатимиз раҳбари эндиликда вазирликда соҳа бўйича ишнинг кўзини биладиган, катта таж-

дан бўшатган чоғида ширкат аъзоларига раиснинг йўл қўйган хато ва камчиликлари ҳақида рўй-рост ахборот берсин. Бошқача айтганда, халқнинг олдидан ўтсин. Ана шунда ортиқча гап-сўзларга, турли тушунмовчиликларга ҳам ўрин қолмайди.

Соҳада меъёрий-ҳуқуқий қоидаларга асосланган бошқарувни тўла амалга ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун амалдаги қонунчилик ҳужжатларининг норматив ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, шартномалар тузиш тартибига танқидий кўз билан қараб, деҳқон-фермер хўжалиқлари ривожининг янги концепцияси ва низоamlарини яратиш жуда муҳимдир.

Ўз навбатида қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида шартнома мажбуриятларига риоя этилишини назорат этиб борувчи механизмни яратиш керак. Ислохотларнинг ҳаёtgа мукамал жорий этилиши эса пирвардида деҳқон ва фермерлар онгидан тоғ маънода ўз мулкка эгаллик ҳиссини юзага келтиради. Ана шунда хозиргидек «шунча харажат қилсан, бунча ўғитлайсан, бунча суғорасан» деб унинг ишига булар-бўлмас аралашиларга ҳожат қолмайди.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин: ҳўш, бундай муҳим масалалар айна пайтда матбуотда қай даражада ёриштиляпти? Афсуски, етарли даражада эмас. Мамлакатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, «бугун бизнинг бу масалада оқсоқлигимизнинг асосий сабабларидан бири - яқна мафкура ҳўкм сурган мустабид тизимнинг қон-қонимизга, суяк-суякларимизга сириги кетган асорат ва таъсирлари, оёғимизда қишан бўлиб турган, хали-бери ўз кучини сақлаб келлаётган эскича қарашлардир. Ҳозирги замон талаблари барчамиздан бундай эскича фикрлаш таъсиридан ҳалос бўлишни, өз кечини талаб қилиб, бонг урмоқда».

Мажлисда катнашар эканмиз, бир нарсга амин бўлди: баҳор юртимизга ажиб бир фусун, тароват, фойз ҳадя этаётган шу кунларда Оксаройда ўтказилган маъруза йиғилишида мамлакатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалиғини янада ривожлантириш борасида тайёрланган муҳим ҳужжат юзасидан билдирган мулоҳазалари, тақлифлари ва тавсиялари бу тармоққа янги нафас, янги рух, янги ҳаёт ва муносабатларни олиб кириши табиий.

(Ўз мухбиримиз)

ЯНГИЧА РУХ, ЯНГИЧА ЁНДОШУВ



фермер хўжалиқлари юзага келди. Аммо шакл ўзгаргани билан кўпгина ҳолларда мазмун ўзгармай қолаётганлиги ҳам сир эмас. Ҳатто уларнинг айримларидаги мавжуд иш юритиш тўғрисидаги тизим дивердига жамоа хўжалиқлари раҳбарлари фарқ қилмайдди. Қизиги, баъзи жойларда илгариги бригада бошлиқлари «бир умалаба» бош пудратчиларга, табеличи эса бош пудратчи ёрдамчисига айланиб қолишди. Амалда эса хали ҳам улар пудратчининг тепасида туриб бўйруқ бериш билан машғул.

Оддий деҳқоннинг ўзи хал этиши лозим бўлган юмушларни эса (чек юритиш, шартнома тузиш, ҳисоб-китоб ишлари) хали ҳам қўлдан берилари йўқ. Оқибатда пудратчининг моддий манфаатларига зиён етказилляпти. Энг ачинарли жиҳати шундаки, пудратчининг иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлиғига етарлича эътибор берилмаёпти. Аксарият ширкат хўжалиқларида пудратчилар ва пай эгалари чек, шартнома, дивиденд нималиғи, пай жағмармаси қанча-ю, унда ўзларининг нечоғли улушлар-

нишдан бошқа нарсга эмас. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг аграр соҳадаги тараққиёти, шўбҳасиз, деҳқон ва фермер хўжалиқлари ривожига боғлиқ. Албатта, бу борада кампаниябозликка берилмаслик, ҳар қайси худуднинг шароит ва имкониятларидан келиб чиқиб, масалага онгли равишда ёндашиш керак бўлади. Масалан, Андижон вилоти билан Қорақалпоғистон Республикаси шарт-шароитлари, имконияти, талаб ва эҳтиёжи турлича. Ана шундан келиб чиқиб иш юритмоқ лозим.

Президентимиз деҳқонлар дилидаги яна бир масалага алоҳида эътибор қаратди. Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда аҳолининг айтиши 5-8 фоизига қишлоқ хўжалиғи билан шуғулланида. Бизда эса бу кўрсаткич 60 фоиздан кўпроқни ташкил этади. Бундай ҳолатга барҳам бериш учун қишлоқ одамларининг катта қисмини маъруза соҳадан озод қилиб, бошқа тармоқларга, хизмат кўрсатиш жаҳаларига жалб этиш чораларини кўриш та-

НИГОҲ

рият шартномаларнинг амалда ишламаслиғи эса ачинарлидир. Махсулот ишлаб чиқарувчиға эркинлик бериш зарур, айниқса, фермерлар билан қорқона ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасидаги шартномалар ширкат хўжалиқларининг аралашувисиз тўғридан-тўғри тузилиши лозим. Бошқарув тамойилларини аниқ ва равшан тартибга солиш ҳам бугуннинг асосий вазифаларидан биридир. Хусусан, деҳқон, фермер, ширкат хўжалиқлари фаолиятига асоссиз аралашувлардан, бўйруқбозлик ва расмиятчиликдан тамоман воз кечиш пайти етди. Махсулот ишлаб чиқарувчининг мустақил фаолиятига кенг йўл очиш, «бир қўшчиға ўч бошчи» тамойилидан воз кечиш ниҳоятда муҳим. Эндиликда, ҳар бир вазирлик, вилоят ва туман даражасидаги раҳбарлар, мутасаддиларнинг қандай масалалар билан шуғулланишлари ва нимаға маъсул эканликларини аниқ белгилаб олишлари зарур.

Бугун ҳаёт олдимизга бутунлай янги вазиғаларни

ТУТЗОР

Тўйиб ишопани тутзорда учратди. Фарзандлари билан ниҳоллар остини юмшатаётган экан.

«Ниҳол гўдакка ўхшабди, меҳр кўрмаси ўсишдан қолади, қовжирайди, - дейди она. - Шунинг учун доимо дарахлар ёниданман. Бунга болаларим ҳам ўрганиб қолишган. Ҳамсоғларим эса қулишди: «Опамизни онаси тутзорда туққан» деб.

Тўйиб ишопанинг «Ипақчилик» хўжалиғига келин бўлиб тушганига 24 йилдан ошибди. У асли ғиждувонлик, аммо ёш келинчақ ота уйдан 60 километр олисдаги қишлоққа тез элиқди. Хашпаш де-«қозон» гунча хам «калхўза»нинг ишини ҳам ўзиники қилиб олди.

«Дунёда энг савобли, ҳикматли иш кўчат экиш, - дея сўзини давом эттирди Тўйиб ишопани Жуманиёзова. - Йўқдан яратасиз-да. Меҳнатингизнинг самараси кўринади. Айтайлик, ниҳол келтириб ташландиқ бир жойға экинги, албатта ерни текислаб, ариқ олиб. Уч-тўрт йил ўтиб бийдай дала ё каровсиз жой бир ажиб манзара касб этади. Қайчини олиб дарахларга шакл берасиз, танасини оқлайсиз, бегона ўтларни юласиз. Энди бир қаранг... У ўзи ижараға олган 9 гектарлик тутзорға ишора қилади. -Зур-а? (Давоми 3-бетда)

БАНК ТИЗИМИ

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, айниқса, яқна тадбиркорлик соҳасида етти ўлчаб бир кесилмасга, ўзаро рақобатда имкониятни бериб қўйиш, очикроқ қилиб айтганда, «сичроқ» қолиш ҳеч гап эмас. Иштихонлик Алишер Умрзоқов раҳбарлик қилаётган деҳқон хўжалиғи оқсаб қолишни истамасдан биринчилардан бўлиб отини кам-чилади. Хўжа-

КРЕДИТ - ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ДЕГАНИ

ликка деҳқончиликни йўлга қўйиб олиши учун қўшимча маблағ зарур бўлди. Ана шунда «Алоқа-банк»нинг Самарқанд вилоти филиали кўмакка келди. Хўжаликка икки йил муддатта олти миллион сўм миқдорига кам фоизли устама билан қисқа муддатли кредит ажратилди. Деҳқон хўжалиғи қисқа вақтда ўз қаддини тиклади, ишини ривожлантирди. Хўжалик раҳбари Алишер Умрзоқовнинг эътибор этишича, иш ҳамчини янада кенгайтириш учун барча имконият етарли.

«ЗАҲАР» ФУРУШЛАР

Қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам нима кўп, дорихона кўп. Аммо, шунча дорихона туриб, қўлидаги дўхтир рецети билан ўзига зарур бўлган дори-дармонни излаб юрган одамлар ҳам оз эмас. -Шунча дорихона-ю, дорихонос бўла туриб, нега дори етишмаяптими? - сўраймиз Наманган вилоти «Дори-дармон» акциядорлик жамияти бошқаруvinинг раиси М.Азимовдан.

«Фиркингиизни уқдим, - дейди Маҳмуджон ака. - Одатда ҳар ўн минг аҳолиға битта дорихона тўғри келиши керак. Айни пайтда 400 минг аҳолиси бор Наманганнинг ўзида 50 та таассуф дорихона фаолият кўрсатяпти. Демак, меъёридан ўн та ортиқ. Бўёғини сўрасангиз, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилдаги 132-сонли қарорига асосан республикадаги барча дорихоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилган. Ҳозирда акционерлик жамиятларига қарашли, жамоаларға қарашли ҳамда хусусийлашган «аптека»лар аҳолиға хизмат кўрсатяпти. Бизнинг акционерлик жамиятимиз тасарруфидан 19 та дорихона, уларнинг 92 та шохобчаси бор. Барча туманлардаги Марказий дорихоналар бизға қарайди.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАП

Айтишларича, Агам шохининг ҳалол ҳазинабонини шайтон йўлдан урибди. «Тўхта, - дебди у бир кунни ўзига-ўзи, - агар ҳар кунни бир тангадан олиб кетсам ҳам, ҳар ҳолда куниниға ярайди-ку». Хуллас, ҳазинабон-ҳар кун саройдан бир донга тилла тангани тилининг остига қўйиб чиқиб кетадиган бўлибди. Аввал тангаларни хумға солибди, кейин хумға сигмага сандикни тўлдирибди. Шох ҳазинабонининг ўзгариб қолганини сезибди. Чунки ҳазинабон кўзға тик боқолмасди.

ЭЛ ИЧИДА БОШ ЭГИЛСА

одамлардан ўзини олиб қочаркан. Бир кун ҳазинабон саройдан чиқиб кетар маҳали шох атайин унинг йўлидан чиқибди. Ҳазинабон эгилибди, шох хол сўраса, индамасмиш. Шу пайт қаердан-дир қопанг ит пайдо бўлибди-ю, ҳазинабонға ташланибди. Ҳазинабон дод солганини билади, оғзидан танга тушиб, шох оёғи остиға думалаб борибди. -Мен сенға ишонганим, - дебди-ю шох юз йўриғи кетибди.

ВАКИЛЛАР ИСТЕЪФОГА ЧИҚАРИЛДИ

Оз эмас, кўп эмас 364 вакилнинг «истеъфоси»ни сирдарёликлар хурсандчилик билан қарши олишди. Шундай кунизг етказганлиғи учун аксарият вакилларнинг ўзлари ҳам Яратганға шўкр қилдилар. Бу вакиллик аслида шўро тўзуми қолдирган мерос бўлиб, ўзингизға маълумки, ниҳоят даражада оммавийлашган эди. Бирон жойға бориб ўзбек тилида «вакил» десангиз, эҳтимом кимдир «Қанақа вакил?» кил?», «Кимнинг вакили?» деб сўраса мумкин эди. Аммо ўршичалаб «упалнамачўний» десангиз ҳеч қанақа саволға ўрин қолмасди - бу сўзни етти ёшдан етмиш ёшға-ча ҳамма тушунарди. Хуллас, Сирдарё вилотида ана шунча «упалнамачўний»лардан 364 нафари бор эди. Шундай қилиб, уларнинг ҳаммаси бирдан-нига «истеъфо»ға чиқди, тўғривоғи, чиқарилди. Нега? Бу саволға мухтасар қилиб «соғлом ақл, мантик шуни талаб қилди» дейишимиз мумкин. Аммо, қизиқувчан газетхонларға тушунарлироқ бўлиши учун шарҳни бироз кенгроқ қилсак ёмон бўлмасди.

ҲИКМАТ

Ёдингдами, айт-чи, сен туғилган он Барча хандон эди, сен эса гирён. Шундай яшагилки, кетар чоғингда Барча гирён қолсин, сен боргил хандон. Абдурахмон ЖОМИЙ

(Боши ўтган сонда)

ҚАРЗ

Бир кунга гапдан-гап чиқиб, ака-укалар ойимга ҳазиллашди:
-Хар ой пенсия оласиз. Шунча пулни қайёққа қўясиз? Сандиққа босаясизми?
-Сандиқ қатта, болам? - деб қулди онам.
-Қарзларим бор. Ушанга бераман-да.
Акамнинг қовоғи осилди:
-Қарз? Хали бировдан қарз ҳам оласизми?
-Э, сенга нима, болам! Менинг ишимга аралашиб нима қиласан?
Кейин гап бошқа ёққа айланиб кетди. Бу сўхбатни бутунлай унутиб юрган эдим. Қайси кун эрталаб ҳовлида айланб юрсам,

Ўткир ХОШИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

булганидан кейин ойимнинг касби унга ёқмай қолди. Охири очингни айтди:
-Ойи, қўйинг энди шу ишингни...
Ойим ўйга толди.
-Нима, ор қўлясанми? - деди бир муддат хомуш ўтиргач. - Мен ўғирлик қилаётганим йўқ-ку, болам. Меҳнатнинг айби борми?
Дадамдан ҳам, акаларимдан ҳам садо чиқмади.
Нимагайлини билмайману, ўша кунга негадир қайтадан гўдак болага айланиб қолгандек бўлдим. Кичкинтойлик пайтимда онам бир ёнига укамнинг бешигини қўйиб, бир ёнида мени олиб ётарди.

ДУНИЁНИНГ ИШЛАРИ ҚИССА

қўшимизнинг етти яшар қизчаси Нилуфар чиқиб қолди. Опоқ бантик тақиб, атлас кўйлақ кийиб олибди.
-Ха, Нилу, ясашиб олибсан, меҳмонга кетясанми? - дедим эркалаб.
-Бугун мен туғилдим, - деди у қоп-қора кўзларини пирпирлатиб жилмаяркан.
-Йа, юбилеяр экансан-да, шошмай тур-чи, ҳозир...
Уйдан бир ховуч конфет олиб чиқдим.
-Мана, ўртоқларинг билан е.
Нилуфар катталардек жиддий бош чайқади:
-Мен ишқалад емайман. Тишим тушган, - кейин яна ўша жиддий оҳангда қўшиб қўйди: - Бултур пошша бўвим менга туфли олиб берувдилар. Туғилганимда, - Қизча ўйлиниб қолди. - Кейинчи, Баҳога у оёқли велосипед, Бахтига кўйлақ...

Қиш кечалари сан-далга тегилиб ётарканман, ялинаман:
-Ойи, чўпчак айтиб беринг.
-Ухла, болам, чарчаганман.
-Айта қоли-и-инг.
-Хўп, қўзингни юмиб ёттин-да, эшит... Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим-қадим замонда... Гап қайёққа қараб кетаётганини дарров билмаман.
-Йа, обқашми?
-Йўқ, офтоб...
-Унияим айтгансиз-ку.
-Бошқасини билмайман-да...
-Майли, айта қолинг.
-Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда офтоб бўлган экан.
-Шу ўзимизнинг офтобми?
-Ха, ўзимизнинг офтоб. Шундай қилиб, офтоб бор экан. Лекин ер юзига сира чиққиси келмас экан. Хар кун эрталаб Худого нола қиларкан. Ер юзидан ифлос нарсалар кўп, ҳеч қўрғим келмайди дер экан. Тангри уни овуларкан. Сен чикавергин, ер юзини ифлос нарсалардан тозалашдиған одамлар бор, дер экан. Шунинг учун ким ер юзини тозаласа, ўша энг яхши одам буларкан.

ИККИ АФСОНА

Газетачининг иши бир томондан улоқчи отга, иккинчи томондан омон тортадиган отга ўхшайди. Улоқчи отдек манзилга югурди-ю, ер ҳайдайдиған отдек хар кунни омон тортади...
Навбатчи эдим. Хонада ёлғиз ишлаб ўтирсам, фаррош кампир Вера хола кирди.
-Шу стол сизникими? - деди негадир қовоғини солиб.
-Шу.
-Чекасизми?
-Чекаман.
-Нега кулни полга ташлайсиз? Кулдонингиз бўлмаса, айтинг, уйдан оёқбек берай!
Мулзам бўлдим. Йўқ, йўлқининг девориди "Фаррош меҳнатини ҳурмат қилинг" деган ёзув илеб қўйилгани учунгина эмас. Гап шундаки, фаррошнинг иши қанақа бўлишини айти билман, ўзимнинг бошимдан ўтган.
Ойим фаррош эди. Шундоқ ховлимизнинг ёнида пионер лагери бўларди. Ойим кун чикмасдан туриб йўлқинларни супуради. Биз ака-укалар сув сепамиз. Аслида сув сепиш унчалик кийин эмас. Йўлка четдаги ариқчага тушиб олисуз алюмин тоғорача билан сепиб ташлайверасиз. Кейин ойим бандига узун таёк боғланган булган супурги билан супуриб кетаверди. Эрталаб сув муздек бўлгани учун оёқингиз совкоқтиб "кесилиб" кетади. Аммо гап бунда ҳам эмас. Хаммасидан ёмонни - тоғ отмасдан туриш. Ўзи ярим кечагача "кўча санкиб" роса холдан тоямиз. Энди ширин ухлаб ётганда ойим секин туртади:
-Бўла қол, ўғлим, хали-замон кун ёйилиб кетади. Узинг тегли болалар лагери палаткаларида мазз қилиб ухлаб ётганда сен сув сепиб йўлка супуришинг... Нима десам экан... Сал алам қилади кишига. Шунданми, вақти-вақти билан "шайтонлик" қиламан. Гоҳ бошим оғриб қолади, гоҳ оёғим... Ойим негадир кўпроқ мени авайлайди. Ўрнимга ўзим билан бир кўрпада тегилшиб ётадиган Абдувоҳид деган ўртоғимми, акамми туриб кетади. Баъзан дадамнинг жаҳли чиқади. "Нима, бунингчи бошида шох борми, ишласин-да", дейди...
Катта акам институтга кирганида бешинчими-олтинчими синфда ўқир эдим. Акам студент

Сиз яхшисиз-а? Доим кўчаларни супураёсиз-ку.
-Кулоқ сол, ўғлим... Офтоб хар кун яна Худого нола қиларкан. Ер юзидан ёмон одамлар бор. Уларниям қўрғим келмайди, дер экан. Тангри уни овуларкан. Сен чикавергин, ер юзини ифлос нарсалардан тозалашдиған одамлар бор, дер экан. Шунинг учун ким ер юзини тозаласа, ўша энг яхши одам буларкан.
-Сиз яхшисиз-а? Доим кўчаларни супураёсиз-ку.
-Кулоқ сол, ўғлим... Офтоб хар кун яна Худого нола қиларкан. Ер юзидан ёмон одамлар бор. Уларниям қўрғим келмайди, дер экан. Тангри уни овуларкан. Сен чикавергин, қанча кўп нар сонсанг, ер юзидан ёмон одамлар шунча камаяди, дер экан.
-Ойи, акам ёмон-а?
-Нега, жинивой?
-Хали ясаган қорбобомни тегиб бузиб ташлади-ку!
-Йўқ, акам яхши... Ёмонлар бошқача бўлади.
-Қанақа бўлади?
-Катта бўлганинда тушунасан. Бўлди, энди ухла.
Еттинчи лампаннинг пилиги пасаитириб қўйилган, уй ичини танчадан чиққан кўмир ҳиди, лампамой иси тутган... Нимқоронги. Ҳеч ҳам уйқум келмайди.
-Ойи, обқашини айтинг.
-Бўлди, ухла...
-Айта қоли-и-инг.
-Майли, эшит. Бир бор экан, бир йўқ экан. Қадим замонда бир йигит бўлган экан. Ўзи яхши йигит экан-у, бир кунни онасини тафа қилиб қўйибди.
-Нима қилти?
-Ишқилиб, хафа қилиб қўйибди-да. Эрталаб кўчага чиқса, қўшни кампир икки букилиб обқашда сув олиб кетаётганмиш.
Йигит югуриб бориб кампирнинг қўлидан обқашни олмоқчи бўлибди. Кампир бўлса, раҳмат ўрнига йигитнинг елкасига обқаш билан роса урибди.
-Оғрибдимми?
Ойим жим қолади.
-Нима оғриди? - дейди анчадан кейин.
-Ўша йигитнинг елкаси-да.
-Оғрибди, - ойим қулади. Кейин хўрсинади.
-Сен, дебди кампир, йигитга, - бировнинг кўнглини овлашдан олдин ўз онаининг кўнглини оғритмаслигини ўрган".

Оҳангарон Қурама тизма тоғлари, оқсоқ Чотқол тоғлари орасида жойлашган воҳадир.
Оҳангарон дарёси олмос камарга ўхшайди. У одамларга ризқ-рўз улашайди. Оҳангарон қадимдан гаўлақ чорвага, меваю сабзавотга ва зиротчиликка боғлиқ ҳисобланади.
Оҳангарон сўзи тожикча-форсча бўлиб, "темирчилар" деган маънони беради. Бундан беш минг йиллар аввал Тўлқоннинг Оҳангарон дарёсига қўйилиш жойидаги қишлоқларда темирчилик ривожланган. Боғсўз қишлоғида эраминдан аввалги биринчи минг йилликнинг ярмида бронзадан ясалган болта топилган.
Қадимда Оҳангарон воҳисидида жуда таракчий этган Илок давлати бўлган. Илок феодализм даврида мустикал давлатга айланган бу давлатнинг пойтахти ҳозирги Бирлик фуқаролик йиғини ҳудудида бўлиб, Тункат деб аталган. Илок ҳукмдорлари "Илок деҳқонлари" номи билан юритилган ва катта иқтисодий ва сийёсий кучга эга бўлишган. Аҳолиси асосан деҳқончилик, чорвачилик, маъдан қазиб ишлари ва хўнармандлик билан шуғулланишган. Илок давлати VI-VII асрларда Шовшга қўшилган. Узинг олтин, қурулқ тангаларига эга бўлган. Х асрга келиб Мовароуннаҳрдаги танга зарбхоналари фақат Самарқанд ва Тункатда бўлган.
Илоқда таваллуд толган Шарофиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Юсуф Илокий машҳур олим ва табиб бўлиб, Ибн Синонинг китобларига шарҳлар ёзган. Унинг тиббиёт ва таби тарихига оид "Илокий таботати ҳақидаги рисола", "Илокийнинг даволаш усуллари", "Илокий мунтасари" каби асарлари бўлган. Илокийнинг "Китоб ул-асбоб-ва-аломат" ("Сабалар ва белгилар ҳақида китоб") асарининг қўлёзма нусхаси Байрут ва Искандария кутубхоналарида сақланмоқда.
Оҳангарон воҳиси қўмнатли қазилма бойлиқларга мўл. Бу туман теграларидаги тоғлардаги конлардан Менделев жадалдаги барча маъданларни қазиб олиш мумкин. Шунинг учун ҳам Оҳангаронни тоғлар орасидаги забаржад деб атайдилар.
Хонбиби МАҲАМОВА тайёрлади.

ТАРИҚ КУЛЧА ЕГАН БОЙ

Нурота томонларда довруги тўрт томонга кетган бой куларнинг бирини Оқтоғ этакларига овга қичқибди. Ови бароридан келмабди. Дараларни бир-бир кезиб чикаверибди.
Оти ҳориб, егулик оқати қолмабди. Шунда ўрта бўйли, зуваласи пишик, юзлари гўштор бир деҳқон боёга рубару бўлибди. Бой олнинг эгаридан тушмай, деҳқондан нон сўрабди.
-Эй, ҳазрат, мени маъзур тутинг, менинг бугдой номим йўқ, - дебди хижолат бўлиб.
-Ниманг бор? - тоқати-тоқ бўлган бой сўрабди.
-Тарикдан пиширилган тарик қулчам бор эди.
-Қорини оч, нима бўлса ҳам олим чик! - дебди отлик.
Деҳқон уйига кириб икхита зогора кулча олиб чикариб:
-Мана бу кулча, - дебди, - кеча пиширилган, бўшроқ, иккинчиси эса ун кўн олдин пишгани учун қотиб қолган.
Зогорани олган тиб, олнинг боши-кўшмоқ зогорани давом эттирибди.
Ушанда бой ўзинча: "Нега, деҳқоннинг қўллари ёрилиб-ёрилиб юрса ҳам юзлари кип-қизил десам, таомлар ичди энг зўрини ер экан-да. Бу зогорани чайнаган сайин мандай ёқади. Атанг, билмаган эканман-да. Саройимга борсам, албатта тарикдан зогора қилдириб ейман. Бу таомлар ичди энг лаззатлиси, тўйимлиси экан", деб ўйлаб кетаётганда олдидаги бутта остида қувён ўзини офтобга тоблаб мизиб ётган экан.
Бой ҳайлан: "Милтиқчи олиб, ўқлағунимча, қувён уйғониб, қочиб қолади", деб қўлтиғидаги қаттиқ зогорани олиб қўннинг бошини чўтлаб отган экан, жонивор қаттиқ зарбадан талвасага тушиб ўлик ҳолатига келибди. Бой эса чаконлик билан отдан тушибди-ю, қувёни сўйиб, хуржунига солибди ва кайфияти кўтарилиб, тарик зогорани мактаб жиғоғи қилибди:
Зогора-зогора ой татир,
Чайнай берсанг мой татир,
Урсанг қувён ўлдирад,
Есанг қорнинг тўйдирад.
Тарик зогора бўйни эрталаб-кенгача тўқ сақлабди ва у овдан қайтган, қўқламда тарик экишга жазм этибди.
Хамдам ЭШОНҚУЛОВ

БИЛАСИЗМИ?

чилик билан шуғулланишган. Илок давлати VI-VII асрларда Шовшга қўшилган. Узинг олтин, қурулқ тангаларига эга бўлган. Х асрга келиб Мовароуннаҳрдаги танга зарбхоналари фақат Самарқанд ва Тункатда бўлган.

ОҲАНГАРОН

Сутни қайта ишловчи кичик завод сотилади!
Завод Россиядан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, бир кунда 200 литрдан 10000 литргача бўлган маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга. Завод голланд сирни, сариёғ, қаймоқ, творог, бринза каби маҳсулотларни ишлаб чиқаради.
Тошкент шахридаги қуйидаги телефон рақамларига мушоааат этишингиз мумкин:
74-53-88 (соат 17.00 дан сўнг)
74-18-57 (соат 9.00 дан 16.00 гача)
Самарқанд вилояти Қўшрабат туманидаги Очил Қодиров номи бизнес-мактаб томонидан 1997 йил 2 июлда Фарход Ашурович Қурдошев номига берилган АС № 054628 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

РИВОЯТ

Бой деҳқонга раҳмат айтиш орқага бурибди-да, майда чайнаб, йўлини давом эттирибди.
Ушанда бой ўзинча: "Нега, деҳқоннинг қўллари ёрилиб-ёрилиб юрса ҳам юзлари кип-қизил десам, таомлар ичди энг зўрини ер экан-да. Бу зогорани чайнаган сайин мандай ёқади. Атанг, билмаган эканман-да. Саройимга борсам, албатта тарикдан зогора қилдириб ейман. Бу таомлар ичди энг лаззатлиси, тўйимлиси экан", деб ўйлаб кетаётганда олдидаги бутта остида қувён ўзини офтобга тоблаб мизиб ётган экан.
Бой ҳайлан: "Милтиқчи олиб, ўқлағунимча, қувён уйғониб, қочиб қолади", деб қўлтиғидаги қаттиқ зогорани олиб қўннинг бошини чўтлаб отган экан, жонивор қаттиқ зарбадан талвасага тушиб ўлик ҳолатига келибди. Бой эса чаконлик билан отдан тушибди-ю, қувёни сўйиб, хуржунига солибди ва кайфияти кўтарилиб, тарик зогорани мактаб жиғоғи қилибди:
Зогора-зогора ой татир,
Чайнай берсанг мой татир,
Урсанг қувён ўлдирад,
Есанг қорнинг тўйдирад.
Тарик зогора бўйни эрталаб-кенгача тўқ сақлабди ва у овдан қайтган, қўқламда тарик экишга жазм этибди.
Хамдам ЭШОНҚУЛОВ

ЕТУК КАДРЛАР - ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Тошкент агротехника касб-ҳунар коллежи Осий тараққиёт банки лойиҳаси бўйича қайта таъмирланган 45 та коллеждан бири. Айни чоғда ушбу ўқув юртини таъмирлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди.
-Коллежининг ўқув биноси ва талабалар ётоқхонаси замон талабларига мос равишда тўлиқ жиҳозланиб, фойдаланишга топширилди, - дейди маъзур маърифат даргоҳи директори Абдувосит ака Назиров. - Қайтадан таъмирланган ўқувчи-ёшлар ўйи 200 ўринга мўлжалланган. Ундаги шарт-шароитларни кўриб ўзим ҳам "қанийди, мен ҳам ёш бўлиб қолсам, мана шундай муҳташам биноларда ўқисам", дейман. Зеро, биз ўқиган даврларда бундай шарт-шароитларни фақат орзу қилиш мумкин эди. Ётоқхонамизда меҳрибонлик уйларидан келган ўн бир нафар ўғил-қизлар яшайди. Уларга эътиборни кўчаитириш, маънавий қўллаб-қувватлаш бизнинг энг биринчи вазифамиз. Бу ўқувчиларга бошқармаимиз томонидан стипендия ва оёқат пули берилиши билан бирга, коллеждаги мавжуд бешта бўлим жадал бўйича мана шу ўқувчиларни бир маҳалдан иссиқ оёқат билан бепул таъминлашни ўз зиммасига олган. Шунингдек, байрамларда уларни йўқлаш, бир пиллача чой устида сўхбатлашиш жамоамиз учун аънамага айланган.
Ўқувчи-ёшлар уйидаги яратилган шарт-шароитлар, маънавий-маърифий дастурлар, спорт тўғрисида ва касбий машғу-


лотлар талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган. Шунинг учун бўлса керак, Ўзбекистон Республикаси "Қамолот" ёшлар иқтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан "Энг яхши ётоқхона" йўналишидаги шаҳар кўриқ-танловда коллежининг ўқувчи-ёшлар уйи фахрли биринчи ўринни эгаллади.
Бундай замонавий ўқув муассасалари, уларда яратилган

ТАЪЛИМ

қулайликлар энг улуғ, энг азиз неъматимиз - Истиқлол шарофатидандир. Биргина мисол, коллежда бир нафар ўқувчи ва битта хона учун ярм миллион сўмлик асбоб-ускуна ва керакли жиҳозлар олиб келинди. Агар бир ярм миңдан эътибор талаба таълим олаётганини эътиборга олсак, умумий рақам нечоғли залворлигини, кадрлар тайёрлаш, ёшлар тарбиясига битада эътибор нақадар улканлигини тасаввур қилиш кийин эмас. Ундан олтиқ турли хилдаги устахоналаримиз ҳам ёшларимизнинг маҳоратли касб эълани бўлиб етишишига хизмат қилади.
Коллеж ҳудуди 10 гектардан ортиқ. Бунга 7 гектардан иборат тарихия ёрдамчи хўжалиқ кирмайди. Бир йилда шу хўжалиқдан 2 миллион сўмга яқин соф фойда олинди. Шунинг ҳисобидан ўқув йили бошидан буюн ўқитувчиларга моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.
Бундан ташқари, 3 сотиқ атрофидаги ҳудудда иссиқхона бор. Иссиқхонадан иккинчи

йилки, мўл ҳосил олинмоқда. Етиштирилган қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларидан талабаю ўқитувчилар тўла баҳраманд бўлмоқда. Энг муҳими, бу талабаларга назарий билимларини амалий кўникмалар билан бойитишларига ёрдам беради.
-Бугунги кунда илм даргоҳимизда катта тажрибага эга талаба 120 нафар педагогдан иборат аҳил, ҳамжихат, меҳроқибатли жамоа ёшларга таълим бермоқда, - дея сўзида давом этади Абдувосит ака. - Аҳиллик, меҳроқибат бор жойда муваффақият бўлади-да!
Айни пайтда бу ерда ўн бир мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланапти. Хўжалиқ ҳуқуқшуноси, молия, бухгалтерия хўсоби, мева-сабзавотни сақлаш ва қайта ишлаш, фермер хўжалигини ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиқ машиналарини таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш сингари мутахассислар амалга оширилаётган ишроқлар самарадорлигини янада ошириш, ерга эгаллик ва мулкдорлик ҳиссини мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонамиз.
Мамлакатимизда ягона бўлган давлат кадастри ҳуқуқи факультетида ҳам ушбу кадрлар тарбиялашга алоҳида аҳамият берилмоқда.
Коллежимизда таълим сифатини тубдан юқори савияга кўтариш бўйича ҳам муайян ишлар қилинди. Эскича, "маъруза ўқилди, оғзаки гапириб берилди" қабиллидаги услублардан бутунлай воз кенганимиз - дарслар жонли мулоқот тарзида ўтилмоқда. Ҳафтада бир марта ўқувчининг ўзи дарс ўтади.
Бу каби янгиланишлар Кадрлар тайёрлаш миллий дастури шарофати тўғрисида рўй берапти. Олдимизда дастурнинг иккинчи сифат босқичи вазифаларини муваффақият билан адо этиш вазифаси турибди. Шубҳа йўқи, маъзур босқичнинг ҳам тўла-тўқис амалга оширилиши таълим тизимиди, кадрлар тайёрлаш босқичида, демакки, оёзд ва обод Ватанимиз тараққиётида юксалишининг анги поғонасини бошлаб беради.
Замон ЭШОНҚУЛОВ

КИТОБ - БИЛИМ БУЛОҒИ, ТАФАҚУРНИНГ ЧИРОҒИ



Б.АКРАМОВ олган сурат.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

ЯЛПИЗ

Ялпиз халқ таботатида юқори нафас йўлларида учрайдиған ўткир ва сурункали касалликларни даволашда кенг қўлланилади. Жуда бой кимёвий таркибга эга.
Ибн Синонинг фикрига қараганда, бош оғриганда, кўнгли айнаганда, қичқоқ тутганда, сарик касаллиги, юрак, ҳазм органлари фаолияти бузилганда ялпиз яхши наф беради.
Ялпиз уруғини май (шароб)га солиб, қайнатиб ёки анжир билан қўшиб ичилса, балғамни анча юмшатади, лат еган жойларга боғлам қилиб қўйилса, қонлашларни йўқотади.
Чаб қанчада, муқоқлар лат еганда даво учун ялпиз қайнатишнинг яхши тавсия этилади. Ундан ванна қилиш ҳам фойдалидир.
Ялпиздан тайёрланган дори-дармонлар капиллярларда қон айланиши ва ичак ҳаракатларини, ҳазм безлари фаолиятини кўчайтиради.

ИСМАЛОҚ

Таботатда исмалоқ баргларини камқонлик ва рахит касалликларни давосида фойдаланиш яхши натижа беради.
Исмалоқ барглари гипохром анемия, гиперидри, гастрит, энтероколит билан оғриган касалликларга фойдалидир.
Ичак яхши юришмаган ва қорин дам бўлган пайларда 10 грамм миқдордаги исмалоқ баргларини бир стакан сувда қайнатиб, вақти-вақти билан ичиб туриладиган бўлса, ичаклар фаолияти анча ривожланиб, қорин дағлиги камаяди.
Исмалоқ барглари гидролиз қилинганда, секретин моддаси бўлганда ости безларининг фаолиятини кўчайтиради, оёқат хазм бўлишини енгиллаштиради.
Бундан ташқари исмалоқдан турли хилдаги баҳорий таомлар ҳам тайёрланади.
Марям АҲМЕДОВА тўплайди.

ТРАКТОР, БУЛЬДОЗЕР, АВТОКРАН СОТИЛАДИ!

1990 йилда ишлаб чиқарилган ДТ-75 занжирилай ҳайдов трактори; 1990 йилда ишлаб чиқарилган Т-170 русумли бульдозер; "ЗИЛ-133" базасида 1990 йилда ишлаб чиқарилган 10 тонна юк кўтарадиган, гидравликалик автокран сотилади.
Мурожаат учун тел: 54-89-22; 56-89-71; 31-87-30 (уяли тел.)
Тошкент шаҳар Чалонзор туманидаги "FIONA" маъмулият чекланган жамияти (ОКПО бўлими код - 17922382) тугатилади. Давулар эълон босилган кундан бошлаб икки ой давомиди қабул қилинади. Манзил: Чопонота кўчаси, "Уздаверлоиҳа" институти биноси, 242-хона.
"Трансқурлишимеханизация" очик акциядорлик жамиятини тугатиш комиссияси ушбу жамият акциядорларига 1998 йил учун дивидендлар тўланаётганлигини маълум қилади. Акциядорларнинг паспортлари билан қелишлари сўралади.
Газетанинг навбатдаги сони 8 март, шанба кунни чиқади.

СПОРТ ОЛАМИДА

ЯНГИ МАВСУМ БОШЛАНМОҚДА

Янгиликлар, яшарли фасли баҳорини футбол ишқибозлари зўр энтиши билан соғиниш билан қарши олишди. Чунки хар йили юртимизда март ойининг 18-куни мамлакат миллий чемпионатиға старт берилади.
"Пахтакор" жорий йилги мавсумга ҳам жиддий ҳозирлик қўрилганини, тошкентликларнинг бошланган XII чемпионатда ҳам чемпионликка асосий даъвогар эканлигини таъкидламоқчимиз. Тўғри, жорий йилги мавсумда "Пахтакор"чилар сафида иқтидорли футболчилар Александр Гейнрих ва Бахтиёр Ашурматовлар тўп суришмабди. Аммо "Насаф" таркибидан пойтахтликлар сафиға келиб қўшилган Асрор Алиқуллов ҳамда келажакда порлоқ ёш ҳужумчилар Марат Бикмаев, Александр Крохмаль, Бахтиёр Хамидуллаевлар рақиблар устидан қозонилдиған галабаларға муносиб ҳиссаларини қўшишди, деб ўйлиб қиламиз. Дарове, "Пахтакор" ўзининг ўтган йилги таркибини сақлаб қолишға муваффақ бўлди.
Мавсум бошланаётган ушбу кунда яна шуни айтиш лозимки, олий лигада 16 жамоа голиблик учун ўзаро кураш олиб боради. Олий лиганинг янги аъзолари "Цементчи" ва "Гулистон" жамоаларига эса ушбу мавсум жиддий синов вазифасини ўташи аниқ. Албатта, шуни эслатиш жоизки, футболни ривожлантириш борасида юртимизда олиб борилаётган ишроқлар тўғрисида ўтган йилдагидек, жорий йилда ҳам хар бир учрашув қизиқарли, кескин ўтади, медаллар учун қамида 6-7 жамоа ўзаро кураш олиб боради.

ҲАММА УМИД ЁШЛАРДАН

25 мартдан 16 апрелгача Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича ёшлар ўртасида ўтадиган жаҳон чемпионатиға тайёргарлик кўраётган Виктор Борисов етакчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ўқув-машғулот йиғинларида Қозоғистоннинг "Есиль-Богатирь" клуби билан икки марта ўртоқлик учрашуви ўтказди.
Қозоғистонликлар таркибиди А. Маъруфалиев, Ю. Чўлбеба, В. Колода сингари маҳоратли чарм тўп усталари тўп суришини ҳисобга олганда ёшларимизга ушбу учрашув оғир кечмаслиги лозим эди. Аммо жаҳон чемпионатида Мали, Аргентина, Испания терма жамоаларига муносиб қаршилик кўрсатишни ўз олдиға мақсад қилган ёшларимиз хар иккала учрашувида аъжойиб тарзда ўтказишди. Очилғини айтганда, яқоқл устунлик Ўзбекистонликлар тарафиди кечди. Гарчи биринчи учрашув 0:0 ҳисобида яқунланган бўлсада, вақиларимиз кўп марта қулай имкониятлардан самарали фойдалана олмаганилигини таъкидлаш жоиз. "Есиль-Богатирь" билан уюштирилган иккинчи ўртоқлик учрашувида эса дарвозаға оз эмас, кўп эмас жабовсиз олти тўп йўллаган футболчиларимизга муқимлар ишонса бўлади. Уйлаймизки, йиғитларимиз БАА уйингоҳларида чиroyли, ҳужумкор ўйинлар намойиш этиб, ўзбек футболу довругини оламға ёвдилар. Дарове, қозоғистонликлар билан кенган иккинчи учрашувда дарвозаға тўпларини В. Клийшин (2 марта), Н. Қўзйибоев, Д. Тожйибоев, Ш. Саломов (2 марта) киритишди.

ТЕННИС ЮЛДУЗЛАРИ БОЛАЛАРГА

Истиқлол шарофати тўғрисида мамлакатимизда бошқа спорт турлари қатори теннис ҳам жадал суратда ривожланаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.
Буни мамлакатимизда теннис бўйича уюштирилаётган халқаро турнирлар ҳам яқоқл исботлайди. Ўзбекистонлик ракетка усталарининг халқаро мусобақаларда анча муваффақиятли ишроқ етгани эса дилларға гурур бағишлайди, албатта. Шу боим ҳам келажакимиз ворислари қалбиди теннисга нисбатан меҳр уйғотиш ва ушбу спорт турини омаллаштириш долзарб масалалардан биридир. Шаҳримиздаги "Динамо" спорт мажмуида "Теннис юлдузлари болаларға" мавзуда теннис шоуси ўтказилди. Унда иштирок этган болалар тўп узатиш ва уни қабул қилиб олиш, умуман тенниснинг бошқа усулларини ҳақамлар хайратига намойиш этишди. Байрамона рухда ўтган ушбу тадбирда эстрада санъати юлдузлари иштирокида ижро этилган қўй-қўшиқлар барчангиз кайфиятини кўтарди ва кеча фойзаға фойз бағишлади.

ХВОСТУНОВ ҚАЙСИ ЖАМОАДА?

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, мохир футболчи Александр Хвостунов жорий йилда мавсумда қайси жамоа таркибиди майдонға тушади, деб ўйлаётганлар ҳайрон бўлишмасин.
Чунки, Туркияда ўқув машғулот ўйинларида иштирок этаётган Одессанинг "Черноморец" жамоаси Россиянинг "Ростсельмаш" клуби футболчилари билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Ушбу беллашувда ҳамюртимиз Александр Хвостунов "Черноморец" таркибиди 45 дақиқа ҳаракат қилди.

ТОЖДОРЛИК ВАЗИФАСИНИ ЎТАЙДИ

Мухлислар орзқиб кутаётган XII миллий футбол чемпионати бошланишиға ҳам санқоқли қунар қолди.
Ўзбекистон Футбол федерацияси рабарияти янги мавсумни ўтказиш учун ташкилий ишларни ниҳоясига етказай деб қолди. Шуниси аниқки, УФФ томонидан мусобақалар таъжими ишлаб чиқилганди. Эндиликда XII миллий чемпионатимиз рамзи ҳам росман таъкидланди. Утган икки ой давомиди Ўзбекистон Футбол федерацияси ташкилий қўмитасига тақдим этилган лойиҳалар орасида янги миллий чемпионатининг шакл-шамойилини акс эттирган Константин Ага